

ЎЗНОМСН

Ушбу сонда:

2 МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК
ОРТИДАГИ ФОЖЕА

2-3 ОНА САЙЁРА
АРМОНИ

4 АНЪАНАВИЙ
ЎЗБЕК ТЕАТРИ

Юртим жамоли



Мустақилликнинг 16 йиллигига

ЖАСОРАТГА ТЕНГ ЖУРЪАТ

Бу йил Ватан мустақиллиги ва миллат озодлигининг 16 йиллигини нишонлаймиз. Албатта, байрам тантаналари, халқ сайиллари, бошқа шодиёнлар ўтказилади. Бизда бу аъёнга айлиниб қолди. Чунки бу бизнинг улуг байрамимиз.

Бирок биз мустақиллик ва озодликнинг қадрини қай даражада ҳис этаемиз? Умуман, бугунги кунимизнинг аҳамиятини қай даражада англаймиз? Баъзан одамлар билан суҳбатда бўлганимда ана шу саволларга жавоб излайман.

Тўғриси айтиш керак, орамизда СССР деган империя ўз-ўзидан парчаланиб кетди, оқибатда биз мустақилликка эришдик, дейдиганлар йўқ эмас. Баъзилар парчаланиш жараёнида барча собиқ иттифокдош республикаларда вазият ва марказга муносабат бир хил бўлган, шунинг учун ҳаммасида мустақилликнинг эълон қилиниши бир хилда силлиқ ўтган, деб ҳисоблашади. Ҳатто курашсиз ва жасоратсиз ҳам озодликка эришиб бўлади, бизда эса ҳаммаси тинч ўтди, дейдиганлар ҳам топилади. Айниқса, ёшларга бу савол тинчлик бермаслиги мумкин. Чунки улар тарихдан турли халқларнинг озодлик йўлидаги курашларини яхши билишади.

Шунинг учун ҳам ушбу шарҳда Ўзбекистоннинг мустақиллигини эълон қилиш арафасида бошқа собиқ иттифокдош республикалардан фарқи ўлароқ тугган йўли ва жасоратга тенг журъатли қадамлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу қадамларни мустақиллик ва озодлик учун курашдаги ҳар қандай жасоратга тенглаштириш мумкин. Ушбу шарҳда баён қиладиган барча фикр-мулоҳазаларимиз аниқ мисолларга, далил-исботларга, юз берган воқеаларга, юз берган иш-ҳодисаларга, ўз кузатишларимизга асосланган.

Дастлаб фикримни 1991 йилдаги вазият билан боғлиқ ҳис-туйғуларимга таяниб баён қилмоқчиман. Радиода ишлардим. Литвадан

бир журналист ҳамкасбим келди. Дирекцияда суҳбатлашиб ўтирибимиз.

— Сизлар жуда суҳтасизлар, ҳеч бўлмаса бизнинг мустақиллик учун курашимизни қўллаб-қувватланглар, — деди у.

— Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда бўлганида мустақиллик учун курашимизни маъқуллади-ку, яна қандай қўллаб-қувватлаш керак, — дедим унга.

— Оммавий ахборот воситаларимизда эса Вильнюсдаги қонли воқеалар қораланди. Бу суҳтасизлик эмас, аксинча, иттифокдош республикалар ўртасида жасоратга тенг журъат эмасми?

Литваллик ҳамкасбим ўзини сал ўнғайсиз севди ва фикрини бошқача ифодалади деди:

— Тўғри, бизни қўллайсизлар, лекин мустақиллик учун курашда ўзинглар ҳам дадил бўлинглар, демокчиман.

— Ўзбекистоннинг журъатини энди кўрасиз, — дедим унга.

Орадан бироз вақт ўтиб, матбуотда Озарбайжоннинг ўша пайтдаги раҳбари Аёз Муталибовнинг қуйидаги сўзларини ўқидим: «Биз Ислон Каримов Ўзбекистонда президентлик лавозимини жорий этганини ва ўзи Президент бўлганини эшитиб кўрдиб кетдик. Ҳамма энди у Горбачёвнинг қаҳрга учрайди деб ўйларди...»

Худди шундай бўлди. СССР деган собиқ иттифокдош республикаларнинг ҳали ўз тазйиклини ўтказиб турган бир пайтда иттифокдош республикалар ўртасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Кремлнинг руҳсатисиз Президент лавозимини жорий этилди. Горбачёв битта СССРга битта Президент этиди, деб турган бир пайтда иккинчи президентнинг пайдо бўлиши нафақат

Озарбайжоннинг ёки бошқа республикаларнинг ўша пайтдаги раҳбарларини, балки Кремлдаги шовинистик кайфиятдаги «дохийлар»ни ҳам кўрkitиб юборди. Ваҳоланки, олдларини Ўзбекистоннинг нафақат биринчи раҳбари, балки вилоят ёки вазирилик раҳбари ҳам тасдиқдан ўтиш учун Кремлдаги камида ўнча оҳнага кириб сўроқ бериб чиқарди. Демак, ўшандаёқ Ислон Каримов озодлик йўлини танлаган ва шу йўлда жасоратга тенг журъатли қадам қўйган. Марказ мустақиллик пайтида ҳамма журъатсиз ва шушмадга мойил бўлган республикада бундай жасорат юз беришини кутмаган эди.

Келинг, Ўзбекистоннинг мустақиллик арафасидаги бошқа бир журъатли қадамини эслайлик. Совет даврида ҳам иттифокдош республикалар раҳбарларининг ҳатти-ҳаракатларини қузатиб борардим. Уларнинг бирортаси хоржий давлатлар тугул, қўшни қардош республикаларга ҳам Москвадан розилигисиз расмий сафар қилолмасди. Кулгили бўлса ҳам айтайлик, ҳатто республикалар ўртасидаги адабиёт ва санъат декадалари ҳам марказ билан келишилган ҳолда ўтказиларди. Масалан, Ўзбекистоннинг биринчи раҳбарлари капиталистик мамлакат тугул, ҳатто ўша пайтда СССР таъсирида бўлган Болгария ёки Мўғулистон каби давлатларга ҳам мустақил равишда эмас, балки марказнинг делегацияси таркибидагина бора оларди. Борганда ҳам орқада кишини-қимтинини юрганини кўрардик. Шубҳасиз, бу бизнинг иззат-нафсимизга тегади. Бирок на илож, мустақиллик, яъни эркинлик ва қарам бўлиш қонуни шундай аёвсиз эди.

Ана энди хали мустақиллик эълон қилинмаган 1991 йилнинг 17 август кунини эсланг. Ўзбекистон раҳбари марказ билан келишмаган ҳолда расмий ташриф билан Хиндистонга жўнаб кетди. У

Дехлиннинг Палам аэропортида мустақил давлат раҳбарига нисбатан қабул қилинган халқроқ қондалар асосида расмий равишда кутиб олинди ва шу куннинг биринчи ярмидаёқ Хиндистон бош вазири Нарасимха Рао ҳамда мамлакат вице-президенти Шанкар Дайял Шарма билан учрашувлар ўтказди. Ўзбекистон Президенти Деҳлида матбуот учун берган баёнотида: «Бу Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг СССРдан ташқарига буорган биринчи мустақил ташрифидир», деди.

Ушанда бу сўзларни ҳис-ҳаяжондан энтиқиб эшитганимиз. Ушанда бу ташрифни телеэкранга қадалиб кўрганмиз. Ушанда бу журъатнинг жасоратга тенглигини англаганимиз. Ушанда ўзбек давлатчилиги қайта тикланиб, эрк ва озодлик қўши юртимизни нурафшон қилишига ишонганимиз.

Бирок ўша пайтда қалбларимизда кўрқув ҳиссиётлари ҳам бор эди. Айниқса, Москва газеталарини ўқиганда, марказ телевидениесини кўрганда, хоржий радиоларини эшитганда бу ҳиссиётлар кунчайгандай бўларди. Чунки бу биринчи мустақил ташриф жасорат билан бўлган эди. Ўшанда бу ташрифнинг иккинчи кунини Москвада ГКЧП воқеаси ўзи берди. Ҳамма жойда фавуолда ҳолат эълон қилинди. Телеэкранда Крючков, Пуго, Язов сингари генераллар пайдо бўлиб, «қани, ким мустақил бўлмоқчи» дегандай ўқрайиб, қатагонни бошлашга шай бўлиб туришарди. Радиода Леонид Рабинович деган бир кекса журналист бўларди. У бизга, бир гуруҳ ўзбек журналистларига қарата шундай деди: «Тараллабдод қилиб бўлдиларинг, энди генераллар ҳаммасини жой-жайга қўяди!»

(Давоми 2-бетда)

Миллий ҳунармандчилик

КУЛОЛЛАР СУЛОЛАСИ

Шаҳрисабз азал-азалдан ҳунармандлар шаҳри бўлган. Айрим манбаларда ёзилишича, Кушонлар даврида (IV — V асрларда) ҳам кулолчилик ишларига алоҳида эътибор берилган. Уша давр сопол идишларидаги безаклар ҳозирги кулолчиликда ҳам сақланиб келаётгани бунга исбот. Ота-боболарнинг ҳикоя қилишича, ҳатто Бухоро амири ва беклари Шаҳрисабз кулоллари тайёрлаган кўза ва хумларда ёзнинг жазирани иссиқда сув сақлашган. Бу идишлардаги сув ўн кунгача ўз ҳолатини ўзгартирмаган.



касбини нанкин давом эттирди, елиб-югуриб отабоболарнинг кулолчилик уй-музейи ҳамда устaxonасини ташкил этди. Бунда унга туман ҳунармандчилиги уюшмаси ёрдамга келди.

Чет эллик сайёҳлар бу ерга тез-тез ташриф буюриб, кулолчилик буюмларидан эсдалик учун олиб кетишмоқда.

Кулолчилик санъати қадимий ҳунарлардан, — дейди биз билан суҳбатда Зайниддин кулол. — Махсулотимиз ўзининг сифатлиги билан ажралиб туради. Чунки қизил, оқ рангдаги идиш-товуқларга кўрғошин, қизил кесаклар билан сирланиб оҳор берилади. Ҳозирги вақтда кулолчилик билан оилавий шуғулланамиз. Раҳматли отам тайёрлаган сувенири ва сопол идишлар Европа мамлакатларининг музейларида сақланмоқда.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги билан муносабати бўлган 7 турдаги махсулот ишлаб чиқарган эдик.

Кулолчиликнинг ноёб манбаларидан кенг фойдаланган Зайниддин кулол ўз фаолиятини ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда олиб бормоқда.

Хайрулла ТўРАЕВ

Шаҳрисабзда ҳозир ҳам кулоллар маҳалласи бор. Қадим-қадимдан ривожланиб келаётган кулолчилик ҳунарига ёшларнинг қизиқиши катта. Зайниддин Музаффаров 7-авлод шаҳарнинг давомчиси сифатида элга танилган. Унинг отабоболари катта кулолчи бўлиб ном чиқарган. Рус-там бобо Эгамбердиев бу борада мактаб яратган ҳунармандлардан бўлган. Кейинчалик Карим кулол, Музаффар кулол, Аҳат кулоллар боболарининг ҳунарларини давом эттирган.

Аҳат кулолнинг фарзанди Зайниддин Музаффаров падари бузрукворининг

Нийз Ҳожи қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда «Сафаров Қандимбобо» фермер хўжалиги бор. Уни Қуржон қишлоғида яшовчи менежер мутахассислигига эга бўлган олий маълумотли тадбиркор йиғит Жасур Сафаров бошқаради. Хўжалигининг 12 гектар пахта, 20 гектар галла майдони мавжуд. Аъзолари етарли, даромадига қўлчилик ҳавас қилади. Қишлоғида куч-қувватга тўлган, аммо иш тополмаётган ёшлар ҳам анчагина. Уларнинг кўпчилиги Жасур билан ишлашни хошлашган бўлса-да, ортқича ишчи ўрни қани, йўқ-да.

Бу ҳол барибир фермерни ўйлатиб қўйди. У «Микрокредитбанк» АТБ-нинг Когон бўлимига мурожаат қилган, муаммага оғим топилиди. Ҳужжатлар расмийлаштирилиб, гишт цехи ташкил этиш учун Ж. Сафаровга 2 йил муддатга йиллик 14 фоиз устама тўлаш шарт билан 6 миллион сўм кредит берилди. Маблағ ўз ўрнига сарфланди. Дастлабки босқичда ҳам гишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 8 киши иш билан таъминланди. Яқин орада бу ерда гишт ишлаб чиқариш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш ва ҳар донга гишнинг бахоси-

ни бошқалардан анча арзон — 50 сўмдан оширмаган ҳолда сотувга чиқариш йўлга қўйилиши режалари белгиланди.

— Оилада 9 жонимиз. Сутқатқича эҳтиёжимиз бор эди, — дейди Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Истам Сайфуллаев. — Маблағ масаласида қийналган, «Микрокредитбанк» раҳбарларига учрадим. Улар

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида қорва молларини қўлайтириши рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 3 йиллик муддатга имтиёзли кредит беришди. Бу пулга бозордан соғин сизгир, бузоқ харид қилдик.

осон қилганлардан бири. У касаначиликни йўлга қўйиш, ишсиз қизи Шахлолни меҳнат билан банд этиш мақсадида йиллик 5 фоиз устама билан кредит олиб, тикув машиналари, газламалар харид қилди.

— Тикувчилик касбини эгаллаганим айна мудоаа бўлди, — дейди Шахло. —

Четдан ва қўни-қўшиллардан қўллаб-бўртмалар олаётган. Иккинчи машинада янгам Нозима Сайфуллаева ҳам ишлаяпти. Даромадимиз чакки эмас. Олган кредитимиз қоплангани билан фаолиятимизни янада кенгайтирмоқчимиз. Уйимизда цех ташкил қилаёғимиз. Касаначилик йўли билан ишчи ўринини ўн кишига етказиш чораларини кўраяптим.

лик ҳамда фермерлиқни ривожлантириш, яъна тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначилиқни фаолаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли кенг табақаларнинг микроолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар беришни янада кенгайтиришга катта йўл очди.

Изатулла ХОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Хабарлар

ФАХРИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ

Навоий шаҳридаги «Олмос» кафесида давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан Иқтисодий ҳимоя йили ҳамда «Хотира ва қадрлаш кунини»га бағишлаб «Барча эҳтиром сизга» деб номланган байрам тадбири ўтказилди.

Унга иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида хизмат қилган фахрийлар ҳамда хизмат вазифининг бажариш вақтида ҳалок бўлган вилоят Божхона ва Ички ишлар бошқармалари ходимларининг оила аъзолари тақдир этилди. Тадбирда уруш қатнашчилари хотираси қадрланиб, улар жасоратига эҳтиром кўрсатилди. Барча иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Ш. ХАЛИЛОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати
ходимлари касба уюшмаси
Навоий вилоят кенгаши раиси

ҚЎШМА КОРХОНА ҚАД РОСТЛАМОҚДА

Қўрғонтепа туманида етти минг погонometr газлама ишлаб чиқариш қувватига эга «Қўшпелетстил» қўшма корхонаси қад ростламоқда. Янги тўқимачилик корхонаси хитойлик сармоядорлар ҳамкорлигида қуриляпти.

Тайёр махсулотнинг учдан икки қисмини экспорт қилиш режалаштирилган. Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш майдонлари текисланиб, ускуналар ўрнатилди. Ҳуку курсларида эса йиғит-қизлар касба ўргатиляпти. Янги қўшма корхонада икки юз эллиқдан зиёд иш ўринлари очилди.

«Туркистон-пресс»

Бугуннинг нафаси

МАҲСУЛОТ — ЭКСПОРТГА

«Мос Ян Текс» Янгиер шаҳридаги йирик қўшма корхоналардан биридир. Ушбу саноат корхонасининг иш бошлаганига уч-тўрт йил бўлди, ҳоло. Аммо шу ўтган қисқа фурсат давомида корхонанинг довруғи олис Россия ўлкасига ҳам етиб борди. Корхонада рўй бераётган хайрли ўзгаришлардан бири унда иш ўринлари йилдан-йилга кўпайиб бораётганлигидадир.

Жамоада дастлаб 30 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 60 нафардан зиёд. Жорий йилда иш ўринларини 100 нафарга етказиш мўлжалланмоқда.

Қўшма корхонада 15 турдаги спорт кийимлари тикилади.

Тайёрланаётган махсулот ўзининг сифати ва бежиримлиги билан истеъмол бозорига ўринини топанган. 90-95 фоизи хоризга жўнатилмоқда. Яқин-

да корхона маъмурияти Украина савдо корхоналарини билан ҳам шартнома тузди. Мижозлар сони кўпайгани сайин, иш ҳажми ҳам ошаверади. Шу боис ўтган йили 18 миллион сўмлик, бу йил эса 30 миллион сўмлик хоржий рўсумдаги эг замонвий янги дастгоҳлар ўрнатилди. Албатта, экспорт салмоғи ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бу ерда ўртача иш ҳақи 70 минг сўмни ташкил этмоқда.

Боз устига ҳар кўни корхона ҳисобидан бепул тушлик ташкил этилган. Байрам, тантаналарда мукофот пуллари тарқатилмоқда. Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга эса тез-тез мурувват, 2 та мактаб, 2 та боғчага эса хомийлик ёрдамлари кўрсатиляпти.

Жамоа учун 2007 йил катта ютуқлар билан бошланди. Қўшма корхона «Ташаббус-2007» кўрик-танловининг вилоят босқичида «Энг яхши тадбиркор» йўналишида голибликни қўлга киритди. Республика босқичида эса «Энг яхши экспортчи кичик корхона» номинацияси бўйича эътироф этилди.

Анорбой НОРКУЛОВ,
жамоатчи мухбир

Банк ва мижоз

Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Юртбошимизнинг «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони кичик бизнес, хусусий тадбиркор-

— Фаолиятимизни ўтган йилнинг май ойидан бошлаган бўлсак, Президент фармони асосидаги талабларни бажара бориб, ҳозиргача 169 та жисмоний ва юридик шахсларга 196,3 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағлари берилди, — дейди банк бўлими бошқарувчиси Бахтиёр Санов. — Ушбу сармоялар асосан қорвачилик, паррандачилик, асаларилик, касаначилик, маийши хизмат, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва микроинвестиция каби муҳим жиҳатларга йўналтирилмоқда. Мижозларимиз билан ҳамкорлигимиз биз-несни ривожлантириш, қўшимча ишчи ўринлари ташкил этиш, айланма маблағларни тўндиришга хизмат қилмоқда.

Изатулла ХОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Иқтисодий ислохотлар — амалда

ТОҚҚА ЧИҚҚАН ЧЎҚҚИНИ КЎЗЛАР

— Қишлоқда туғилиб ўсганман ёки деҳқонча айтганда, эсимни танганимдан бери даладаман. Онамга эргашиб юриб, кичкинтойлигимдан пахта майдонларига қатнардим. Ҳукувчилик давримиз ҳам шундай кечди. Ўша янгалардан тортиб, ҳосил йиғим-теримигача бўлган жараёнда катталарга кўмаклашардик. Сираси деҳқончилик имли, пахта етиштириш санъати қон-қонимизга сингиб кетган десам муболага бўлмайди. Қолаверса, бу соҳадаги тажрибамни Миллий университетнинг биология-туپроқшунослик факультетида ўқиб назарий билим билан ҳам мустаҳкамладим.

Истиқлол қўзимизни очди. Қўплар қатори менда ҳам Ўзбекистонимиз юксалиши, халқимиз дастурхонини тўқин бўлиши учун ҳиссамни қўшиш истаги туғилди ва шуларни баён қилиб туман ҳокимлигига ариза бердим. Истагим инобатга олинди. 1994 йилда 10 гектар ер ажратиб берилди. Ишонч масъулият юклатди. Оиламиз аъзолари қўллаб-қувватлашди. Сай-ҳаракатларим зоо кетмади. Дастлабки йилданок белгиланган топшириқни ошириб бажаришга эришдим. Қўлимдан иш келишини кўриб, яна қўшимча ер ажратилди. Шу тариха экин майдоним 60 гектарга өтди. Бу эса етиштирилаётган пахта ва галла ҳосили миқдорининг ортишига имкон яратди. Хусусан, даромадга ҳам барака кирди. Хўжалигимиз қошида қорвачилик тармоғини ташкил этдик. Қишлоқ хўжалигида ишлайдиган ўнга яқин техника сотиб олдик.

Гоҳо, фалончи фермер йиллик топшириқни бажармабди, дейишса, ҳайрон бўламан. Ахир, чин юракдан тер тўққан деҳқонни ер ҳеч қачон қурққолдирмайди. Масалан, ўтган 2006 йилдаги натижаларимизни олайлик. Давлатга 10 тонна бўғдой, режадаги 72 тонна ўрнига 90 тоннага яқин пахта сотдик. Бундан ташқари, 15 ишловчининг ҳар бирига бир тоннадан дон бўлиб бердик. Бизда иш ҳақини кечиктириб бериш деган гап йўқ. Ойма-ой ҳисоб-китоб қилиб борамиз. Меҳнат аҳлининг тўй ва маъракаларини ўтказишларида кўмак берамиз. Қўп болали ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаёмиз.

Тоққа чиққан чўққини кўзлар, деган гап бор. Биз эришган натижалар билангина қифовлиниб қолмай-миз. Пахта ва галлани йил сайин ошириб боришни мўлжаллаганимиз.

Х. КАЛАНДАРОВА,
фермер,
Косоной тумани

АҲОЛИ ИШОНЧНИ ҚОЗОНИШ

фаровонликнинг муҳим омилidir

Яқинда сизимиз яна туғди. Молимиз бош сони тўрттага өтди. Кўрсатилган ғамхўрликка нисбатан биз ҳам кредит фойзаларини ўз вақтида тўлаб бораёғимиз. Банк хизматидан беҳад мамнунимиз.

Когон шаҳри, Тараққиёт кўчасида яшовчи Солиха Комилова ҳам «Микрокредитбанк» мададидан баҳраманд бўлиб, оиласи мушуқлини

Четдан ва қўни-қўшиллардан қўллаб-бўртмалар олаётган. Иккинчи машинада янгам Нозима Сайфуллаева ҳам ишлаяпти. Даромадимиз чакки эмас. Олган кредитимиз қоплангани билан фаолиятимизни янада кенгайтирмоқчимиз. Уйимизда цех ташкил қилаёғимиз. Касаначилик йўли билан ишчи ўринини ўн кишига етказиш чораларини кўраяптим.

лик ҳамда фермерлиқни ривожлантириш, яъна тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначилиқни фаолаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли кенг табақаларнинг микроолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар беришни янада кенгайтиришга катта йўл очди.

Изатулла ХОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Жараён

Улуғлардан бири «Она осмон, оғирлиги ҳеч кимга тушмайди», деган экан. Бежизга республика хотин-қизлар кўмитасининг эмблемасида кафтларида дунёни кўтариб турган аёл кўллари тасвирланган. Унинг улуғлиги ҳам бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратганидир.

Аслида аёл қадим-қадимдан улуғларимиз томонидан эъзозланган. Ҳадиси шарифда «Жаннат оналар оёғи остида», дея битилган. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз «Умр бўйи аёлларнинг кўнглига қараб йул тутишга ҳаракат қилдим», деган бўлсалар, Мир Алишер Навоий ҳазратлари «Минг тубан нопок эрдан аяшироқ, Нок хотинлар аёғининг изи» дея мисралар битганлар.

Истиклолдан кейинги йилларда аёлнинг оиладаги мавқеи жамиятдаги мав- арафасида оилада, махаллада ўз ўрнини толган, тумanning ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этган аёлга кўмитанинг Каромат Рустамова номидаги мукофоти топширилади. Бугунча 10 нафар аёлга ушбу мукофот соҳиббаси бўлиш насиб этди.

Шуни айтиш керакки, жамият ҳаётида маслаҳатчи номи билан аталган аёлнинг кириб келиши айни мудида бўлди. Хотин-қизлар кўмитасининг жойлардаги ана шу вакиллари орқали аёллар ҳаётига қучу- рақасида оилада, махаллада ўз ўрнини толган, тумanning ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этган аёлга кўмитанинг Каромат Рустамова номидаги мукофоти топширилади. Бугунча 10 нафар аёлга ушбу мукофот соҳиббаси бўлиш насиб этди.

Шуни айтиш керакки, жамият ҳаётида маслаҳатчи номи билан аталган аёлнинг кириб келиши айни мудида бўлди. Хотин-қизлар кўмитасининг жойлардаги ана шу вакиллари орқали аёллар ҳаётига қучу- рақасида оилада, махаллада ўз ўрнини толган, тумanning ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этган аёлга кўмитанинг Каромат Рустамова номидаги мукофоти топширилади. Бугунча 10 нафар аёлга ушбу мукофот соҳиббаси бўлиш насиб этди.

Утган йили туманимизда «Соғлом оила» лойиҳасининг фаолият кўрсатгани хотин-қизларнинг тиббий билимларини оширишда муҳим восита бўлди. Лойиҳа ходимлари билан ҳамкорликда 377 нафар кўнглилари, 590 нафар кўллаб-қувватловчи гуруҳ аъзолари тайёрланди. Улар ҳамкорликда тумanning барча махаллаларида, кўллаб қишлоқларда тиббий мавзуда жонли мулоқотлар ўтказилди. Мулоқотлар хотин-қизларнинг бундай суҳбатларга эҳти- жи бандан эканлигини кўрсатди. Тарқатилаётган минглаб буклетлар аёлларда қизиқчи уйғотмоқда.

Аёллар ҳаётида спортнинг оммавийлашиб бора- ётгани ҳам кишини қувонтиради. Тиббиёт, халқ таъ- виби соҳаларида ишлайди- ган хотин-қизлар, маслаҳат- чилар ўртасида спартакиа- далар ўтказиш анъанага ай- ланиб қолди. Турли санал- лар муносабати билан ма- рафонлар, кросс мусобақа- лар ва бошқа спорт тад- бирлари бўлиб ўтмоқда. Бир гал вилоятдаги аёллар спартакиадасида Башир қишлоғида яшовчи 60 ёшдан ошган онахон иш- тирок этгани ҳаммани тўлқинлантириб юборди. Ҳатто онахон югуриш му- собақасида иккинчи ўрин- ни кўлга киритди.

Бугунги кунда қишлоқ ҳўжалигида давом этаётган иқтисодий ислохотлар фер- мерлик ҳаракати билан ҳам- барчаси боғлиқдир. Фер- мерлар орасида аёллар- ning бўлиши, ўз ишини тадбиркорлик билан бажа- раётгани бизни қувонтира-

ди. албатта. Ана шундай фермер аёлларимиздан «Юлдуз», «Чўлли ўғли Жўрабек» фермер ҳўжа- лиги бошлиқлари Яҳши- гул Бобоқуллова, Ойсанам Жумановаларнинг нома- рини фахр билан тилга олиш мумкин. Улардан бири 50 гектар, яна бири 140 гектар ерда деҳқон- чилик қилиб, қишлоқ ҳўжалиги ислохотларини аёллар меҳнати орқали кўрсатиб бермоқда.

Республика ва вилоят хотин-қизлар кўмиталари қарорлари, тавсия ва топ- ширқилари асосида ке- йинги пайларда халқ таъ- лимни ҳодимлари билан ҳамкорлик сезиларли да- ражада яхшиланди. Мак- таблар ва коллежларда қизлар кенгаши фаоли- я-

ти жонланиб қолди. Кен- гаш раислари томонидан махалла маслаҳатчилари билан ҳамкорликда ўтка- зиладиган тадбирлар қиз- ларни оилавий ҳаётга тай- ёрлаш, уларнинг иқтидо- рини юзага чиқариш, фа- оликларини оширишга қаратилмоқда. Бу борада Зўфига номидаги Респу- блика Давлат мукофотига талов арасидада ўткази- лаётган турли тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқ- да. Тўғриси айтганда, танлов ўқувчи ва талаба қизларнинг фаоллигини бениҳоя оширди. Улар иқтидорининг турли қир- ралари кашф этилмоқда. Бу жараёнга ўқитувчилар- дан тортиб ота-оналарга- ча фаол аראлшмоқда.

Мукофот таъсис этил- ган 1999 йилдан хозирга қадар туманимизда 10 га яқин ўқувчи қизлар ўла- рининг илк китобларини чиқаришга муяссар бўлдилар. Моҳиғул Ҳўжа- мов, Феруза Худоймова- дов ва бошқа қизлар эса ик- китадан китоб чиқаришга эришишди. Албатта, китобларнинг бадиий са- виеси ҳали у даражада бўлмаслига мумкин. Ле- кин ҳар гал уларнинг ки- тобларини кўлга олган- нида мулоқотларнинг кўзи очилаётганига, ундан чи- қаётган зилол сув атрафга оби ҳаёт улашишига ишонгим қолади. Ўқувчи қизлар томонидан ёзила- ётган Ватан мавзусидаги иншоолар эса мукофот- нинг илк босқичи жуда кенг доирада ўтаётгани- дан дарак беради. Бир сўз билан айтганда, ту- манимиз хотин-қизлари мисолида жамиятда аёл- лар иштироки нақадар кенгайиб бораётганини кўриш мумкин.

Лола ҲУРОҚОВА, Китоб туман хотин-қизлар кўмитаси раиси, ҳоким ўринбосари

Ижтимоий ҳимоя

Самандар ҳар кун ишга отланар экан, онасини бирров зибрат қилиб ўтишни унутмайди. 84 ёшли Тўти момо беш фарзанди қатори унинг ҳам йўлларига кўз тикиб ўтириши- ни яхши билади. — Умринг узун бўлсин, касбингдан барака топ, болала- рингнинг роҳатини кўр, — дуо қилади онахон. — Эл-юрт олдидан доим юзинг ёрғу бўлсин, болам. Бу дуолар Самандарга куч-қувват бағишлайди.

Рўзим ота ҳаёт бўлганларида бу дуолар салмоғи янада ортарди, ал- батта. Иккинчи жаҳон урушида қат- нашган отахон фарзандларини ҳар доим ҳалол умр кечиришга даъват қилар, ўзи ҳам ҳеч кимдан қўма- гини аямасди.

Самандар ўрта мактабни тамом- лагач, ҳарбий хизматда бўлди, қурилиш ташкилатида дурадгор- лик қилди. 1982 йили Ижтимоий таъминот вазирлиги қошидаги юри- дик техникумини тамомлагач, Хо- разм вилоят меҳнат ва аҳолини му- ҳофаза қилиш бош бошқармасига мутахассис бўлиб ишга келди. Бу даргоҳда салкам ўн йил хизмат қилди. Тажрибали мутахассислар- дан соҳа сирларини ўрганди.

Узининг билимдонлигини, жон- қуярлигини, интилувчанлигини на- мойиш қилди. 1991 йили уни Шо- вот туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи ўринбосари қилиб тайинлашди. Бу лавозимда ўн уч йил ишлади.

Самандар Исмоилев 2004 йил- дан бунён Шовот туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи. Бўлим 15600 дан зиёд пенсия ва ижти- мойи нафақа олувчиларга хизмат кўрсатади. Уларнинг 114 нафари уруш қатнашчилари. Ҳар ойда бу мақсадлар учун 60 миллион сўм маблаг сарфланади.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Дав- лат дастури асосида туманда ҳам махсус дастур ишлаб чиқилган, — дейди бўлим бошлиғи. — Тегиш- ли ташкилотлар билан ҳамкорлик-

тожлиги аниқланди. Улар рўйхатга олиниб, амалий ёрдам кўрсатиш- га киришди.

Самандар ака муҳтож кишилар силасида бўлиб, улар билан суҳ- батлашди, кўнглини кўтаришни қанда қилмайди.

Асал Йўлдошева исмли қиза- лок 6 ёшда. Болалиқдан ногир- он. Бўлим бошлиғи яқинда унинг уйида бўлди. Қизалоқнинг ота-она- си билан суҳбатлашиб, қандай ёрдам кераклигини суриштирди. Қизалоққа ногиронлик аравачаси топилди.

Наврўз байрами арафасида «Бўйрачи» қишлоғида яшовчи 1- гуруҳ ногирони Азамат Ражабов, «Ўзбекистон» кишлоғида яшовчи Пулат Абдукаримов, Шовот ша- ҳарчасида яшовчи уруш ва меҳнат

да аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига ҳомилийк ёрдамлари белгиланди. 7 киши ногиронлик аравачаси, 3 киши эшитиш мосламаси, яна бир неча ногиронларнинг бошқа турдаги протез техник воситаларига муҳ-

файриси Исқандар Ҳўжаевлар хо- надонига ҳам бўлимининг совғала- рини топширди.

— Юртбошимиз биз қарияларга катта ҳурмат-эҳтиром қўрсатяпти, — дейди Исқандар Ҳўжаев туқили- ланиб. — Бу эҳтиромни дуолири- миз билан, ёшларга панд-насихат- ларимиз билан қайтаришга ҳара- қат қиламиз. Умрини эзгу ишга ба- гишлаган сиздек аҳойиб инсон- ларга ҳам минг раҳмат!

Бундай суҳбатлар, раҳматлар кишига куч-гайрат ато қилишини Самандар ака яхши билди.

Бўлим қошидаги жамоатчилик маркази яқинда капитал таъмир- ланди. Ўн ўринли марказ Шовот- нинг энг баҳоли жойларидан би- риди — К.Отаниёзов номи мада- ният ва истироҳат боғида жойлаш- ган. Бу ерда дам олиш, дийдор- лашиб учун барча шароитлар му- ҳайё қилинди.

Режаларни амалга оширишда, шубҳасиз, ҳомиёларнинг ҳам улу- ши бор.

— 2007 йилнинг мазмун-моҳия- ти ҳам инсоний меҳр ва саховат билан боғлиқ, — дейди Самандар ака. — Туманимизда саховатсиз тадбиркорлар, фермерлар, ишиб- лармонлар кўп. Бу инсонларнинг беғариз ёрдамлари кам таъмин- ланган оилалар муаммоларини ҳал қилиб, кўнгли ярим инсонларда

кечиб қиди, Солиҳанин қўча дарвозаси олдиға борди — у ҳеч қаерда кўринмади. «Висолхона»га келса, зог учмайди. Соат тўққизларда ниҳоят, Солиҳа уйдан жа- воб берди.

— Бир зарур иш чиқиб қолиб, борол- мадим... Эрта-перта учрашаримиз...

Кўча дарвозасининг бемаҳалда тара- қат овоз чиқариб, шиддат билан очи- лиши уйдигиларнинг ширин уйқусини буз- ди. Машина дарвозадан ичкарига кириб ўчди-ю, лекин ундан ҳеч ким тушмади. Орадан ярим соатлар чамаси ўтган, Мо- ҳиғул хавотирланиб дарвозахонага чиқ- ди. Кўча дарвозаси ланг очки. Бекмирза машина рулига бошини қўйганича ўчиб ётибди. Хотин дарров дарвозани берки- тиш, машина эшигини тортиди.

— Ҳой, дадаси, туринг ўрингиздан, уят бўлади-я, келин бор, неварлар бор... Э, қуриб кетсин шу ичкилик дегани ҳам...

Бир-икки турткидан сўнг Бекмирза аранг бошини кўтариб, кўзларини хил оқди.

— К... Ким б...бу? — Ким бўларди, Моҳиман мен! Сиз эса ўз уйингиздасиз! — У... ўз уй...йим! М... Мени ўз... ўз уйим б... борми?

Моҳиғул ярим елкасидан тортиб, бир амаллаб машинадан туширди, қўлтиғига кириб, ўз хонаси томон етаклади. Иккин-

чи қаватта чиққунча терлаб, она сутти озғига келди. Бекмирза бор огирлиги- ни унга ташлаб ол- ганди, ахир! Эрини каровотиға ётқизиб,

қийимлари, ботинкасини ечди. Бекмирза ечиниб олғач, хил эркин нафас олди ва кип-қизил кўзларини Моҳиғулга қадади.

— М... Моҳи... Кел, ёнимга ёт... С... сен ўз...зинг яхшисан!

Моҳиғул индамай ечиниб, эрининг ёнига кирди... Ҳар қанча маст бўлмасин, Бекмирза албатта тонги соат бешларда уйғонарди. Бу гал ҳам тонг қоронғусида қўнғонарди. Оғзи қуруқшаб кетибди, боши зилдай огир. Ёнида кимдир пишил- лаб ухлаб ётибди.

— Солиҳа... — дея овоз чиқарди у аста, қўрқа-писа... Сўнг, аёлнинг юзини тустан қўрпа четини кўтарди. Моҳиғул...

Бекмирза яна бошини ёстиққа ташла- ди. Қачон келди? Хотини унинг тушиғида қандай пайдо бўлди? Моҳиғул билан бири- ки йилдан бери сира бирга ётмаган эди. Мастлиқда келиб ўзи мажбур қилган бўлса керакки, Моҳиғул ўр қўйнига кирган... Ак- сарда у ўз ихтиёри билан бош аёғи Бек- мизранинг қошига асло келмасди. Лекин бунинг нимаси ажабланирми? Моҳи ўз қонуний хотини, ахир! У билан бирга бўлиш шарият жиҳатдан хатто фарз! Буни Солиҳага нисбатан хиёнат деб қабул қил- маслик керак, аслида.

У шундай дея ўзини юпатди. Аммо юрагининг бир четида ғашлик увиллар эди.

Эрталаб чойни хотини билан бирга ошди. Келин аллақандай хуррамлик оғушида елиб-югурди уларга хизмат қилди. Тохир саломлашишга кирди. Аммо Савара так-туқ юрганча нонушта қилаётган эр-хотинга қиё ҳам боқмай, қўчага чиқиб кетди.

— Бу... қизинг... — дея хотинига маъ- ноли қаради Бекмирза.

— Парво қилманг. Жойига тушиб қола- ди, — дея шарақлаб қулди Моҳиғул. У бирдан очилиб кетган эди. Эри билан «анови» орасига ола мушук оралаганини у аллақачон сезган, «от айланиб қозни- ни топади барибир», деган умиди қўра- раётганини хис қилиб, юрагидаги ғаш- лик ёзилган эди.

Бекмирза хотини ва ўғли билан келиш- иш олдидан, Россияга — савдогар та- нишлари хузурига жунаб кетди.

(Давоми бор)

ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

қеи билан янада уйғунла- шиб кетди. Айниқса, Ўзе- бекстон Республикаси Пре- зидентининг 1995 йил 25 мартдаги, 2004 йил 25 майдаги Фармонлари аёл- ларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Президентимизнинг «Ҳар бир жамиятнинг маданий даражаси аёлга бўлган му- носабатга боғлиқ», деган сўзлари хотин-қизларга эътиборни янада оширди.

105 минг нафарга яқин хотин-қиз истикомат қила- ётган Китоб тумани аёлла- ри мисолида ҳам она си- фатида, ҳам баркамол фарзандлар тарбиялаёт- ган, шу юртининг фидойи фарзанди сифатида ёниб яшаётган ва ишлаётган ўзбек аёлларининг тимсо- лини кўриш мумкин. Бу- гунги кунда раҳбарларнинг 133 нафарини, фермер- ларнинг 300 дан ортиги- ни, сиёсий партиялар аъ- зозларининг 2 мингга яқинини, депутатларнинг 5 нафарини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Муस्ताқил- лик йилларида 10 га яқин хотин-қизларимиз давлат- имизнинг юксак ордени ва медаллари билан тақдир- ландилар.

Утган йили Куйюқбой қишлоқ фуқаролар йиғи- ни ҳудудида вилоятда аёллардан биринчи ҳўжа- лик раисаси, 30 йил бир ҳўжаликни муттасил бош- қарган ва уни республи- кадаги дондор ҳўжалик- лар қаторига киритган фи- доий аёл Каромат Руста- мованинги бюсти ўрнатил- ди. Мазкур буюм умрини ҳалол меҳнат қилиб, эли- га, юртига сидқидилдан хизмат қилишдан иборат, деб билган аёлга битил- ган қасидаға ўхшайди.

Туман хотин-қизлар кўмитаси ҳам опанинг хо- тираси ҳурмати сифатида Каромат Рустамова номи- даги мукофотини таъсис этганиға ўн йил бўлди. Ҳар йили 8-Март байрами

Қадрият БАРҲАЁТ УДУМЛАР

Қаршидаги «Ўзликни англаш маркази»да уюш- тирилган кўрик-танлов халқимизнинг миллий урф-одатлари қай даражада ўрганилаётганлиги, асраб-авайланаётганлиғига бағишланди.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан келган фольклор-этнографик жамоа аъзолари юртимиз та- рихи ва қадриятларимиз бўйича саволларга жавоб қайтардилар. Чақалоқни бешича белаш, алла ай- тиш, фарзанд дунёга келганда амалга оширилган удумлار, келин салом, чимилдик тикиш, зеби- гардон, тиллақош тақиш каби урф-одатлар, лапар, ўлан сингари халқ қўшиқларини ижро этиш бўйича баҳслашдилар.

Игирмадан ортик фольклор этнографик жамоа- лари орасида Қарши муҳандислик-иқтисодиёт инсти- тутининг «Насаф навоилари» дастаси билимдонлиги ва юксак ижрочилик маҳоратини намойиш этиб, бирин- чи ўринни эгаллади.

Ғолибларга совринлар топширилди. И. ИСОМИДИНОВ

МЕҲР – МУРУВВАТЛИ БўЛАЙЛИК

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек истироҳат бо- ғида «Меҳр-мурувватли бўлайлик» деб номлан- ган ҳайрия тадбири бўлиб ўтди. Ногиронлар, қариялар, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари ушбу тадбирнинг азиз меҳмони бўлишди.

Тадбир Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашма- си ташаббуси билан ташкил этилди.

А. ДОНИЁРОВ

Алишер ИБОДИНОВ СОҲИЛ ЯҚИН, ЯҚИН... (Қисса)

Солиҳа маъюз жилмайди... Ишдан сўнг йўлга тушиши билан оёқлари уни ўз-ўзидан «висолхона» то- монга илдам бошлаб кетди. Кўнғирогига биров жавоб бермагач, ўзидан қалит билан эшикни очиб ичкарига кирди. Уй ичи- ни спирт ҳиди босиб кетибди... Ҳамма нарсаси ағдар-тўнтар, совутгич эшиги очки қолган... Стол устида, полда бўш ишла- лар думалаб ётарди. Бекмирза яқинда- гина бу ерни тартиб этибди шекилли, чой- нақдаги чой хали совумаган.

Солиҳа дарров фартукни тақиб, атрофи йиғиштиришга киришди. Бирор соат- лардан сўнг ҳамма нарсаси жой-жойига туш- ди. Сервантдаги биллур идишлар яна ярақлаб чирой очди...

Солиҳа ўтириб телевизор кўра бош- лади. Фикри-экири кўчада — телеэкран- да нималар кўринди, кимлар нима деди эсида ҳам қолмади. Лекин Бекмирза кел- мади. Солиҳа ўз йўлига кириб борганда онаси яна норози қиёфада қарши олди.

— Қаёларда юрибсан? Анавининг яна уч марта келди. Сениб турибман — дар- веза олдида машинасини тўхтадиди-ю, ўзи кабинетдан тушмасдан кимнидир ку- тати. Кейин шарт жунаворди. Ярим соат ўтмай яна пайдо бўлади. Яна ўша ҳолат. Жинни-пинни бўлганми ўзи у?!

— Ха, у жинни! — Тўсатдан овозини кўтарди Солиҳа. — Фирт тузалмас жин- ни! Мен ҳам жинниман, ая! Мен ҳам бе- даво тентакман!

— Хай, хай, ўзингни бос, болам. Қизимча, ўғлинг шу ерда-я...

Солиҳа дарров унинг учирди...

— Солиҳа! Яхшимисиз? «Висолхона»- га келган экансиз... Мен эса у ёқда, идо- радан излабман...

Солиҳанинги юраги илгаригидай хал- қириб кетмади, бу қадрдон товушни эши- тиб. Тўғри, нотинч кўнгли жойига туш- ди, ўзини хотиржам сездди. Аммо шу то- вушни эшитганда, қалбига бирдан қуй- ладиган ҳазинга шодлик ҳисси энди не- гадири йўқ эди.

— Ха... Ўзингиз қалайсиз? Уйнинг ҳам талоптулин чикариб юборган экансиз... — Узр, Солиҳа... Бир бўлди-да энди... Келинг, яхшиши учрашайлик. Ўша Чодқадан келганимиздан бунён бошқачасиз...

— Ҳеч қандай «бошқача» бўлганим йўқ! Ўша Солиҳа, ҳа, сизни деб ўз боласи жонига қасд қилган Солиҳаман!

Бекмирзанинги нафаси ичига тушиб кетди. Ҳозир бир гап айтса ўн қарра куч- лироқ жавоб қайтади... Солиҳа ҳам жим қолди. Орадан икки-уч дақиқа фурсат ўтиб, асаблар хилё жойига тушгач, Бек- мизра:

— Солиҳа, яхшиши «Висолхона»да уч- рашайлик. Бафуржа гаплашиб оламиз... — деди ялнчок товушда.

— Майли, — деди Солиҳа қуруққина ва ҳайрлашмай тўғанини жойига қўйди.

Шу кунни Бекмирза учрашуга обдон тайёргарлик кўрди. Соч-соқолини олди- рди, ўзини хотиржам сездди. Аммо шу то- вушни эшитганда, қалбига бирдан қуй- ладиган ҳазинга шодлик ҳисси энди не- гадири йўқ эди.

Орол муаммоси — олам муаммоси

бўлиб, улкан майдонда су- горниш юмушларини олиб бориш, зах сувларини қоч- қириш ишларини амалга оши- руш учун хизмат кўрсатяпти.

Ўзбекистон Фанлар ака- демияси Қорақалпоғистон бўлими Биология институти ва Устюрт чўл станцияси ил- мий ҳодимлари ташаббуси билан мавжуд яёловлардан режа асосида фойдаланиш, табиий ўсимликлар ўсадиган майдонларнинг унумдорли- гини ошириш технологияси ишлаб чиқилди. Қурғоқчи- ликка чидамли оқ ва қора сақсовул, изен, човгон, те- ррискен, гуловик каби ўсим- ликлар экилиб, 3-4 йилда суний яёловлар пайдо қилиш соҳасидаги тажриба- лар ибратлидир.

Қишлоқ ва овуллардаги 220 та аҳоли яшаш пунктла- риға тоза ичимлик суви кел- тирилди. Хорижий фирмалар билан ҳамкорликда Мўйноқ, Тўрткўл, Бөрүний, Чимбой туманлари фуқароларини ичимлик суви билан таъмин- лаш учун янги иншоотлар қурилди. Тўямўйни, Кипорис сув омборларида қўшимча насослар ўрнатилди. Қизқет- қан канал ва Тўямўйни во- дудовидан келаятган сувнинг тузулми даражасини камай- тириш чоралари қўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Вази- рлар Маҳкамасининг «Оролбўйи геофонднинг му- ҳофазаси ташкил этиш тўғри- сида»ги қарори экологик ҳо- латини муътадиллаштириш, аҳоли соғлигини мустаҳкам- лаш ва атраф-муҳитни муҳо- фазалаш, санитария-эпиде- миологик вазиятни яхшилаш- да муҳим рол ўйнади.

9 минг гектарли Мўйноқ сув омбори ҳудудини 16 минг гектарга етказиш тадбири-

ри қўлланиляпти. «Жилтирбас»да суний қўлга сув ўтказадиган улкан тўриқ қуватли. «Қозқо- дарбалик» масъулияти че- ланга жамияти сув ҳавзала- рида сазан, лаққа, илонба- риқ, оқ амур сингари мазали баликлар етиштириляпти. Ҳар кунли 400-500 килограмм- дан қулиқ овланчиси билан бирга етти ҳазинанинги бири ҳисобланган бу жонзотларни қўлайтириш учун сувга ви- дийриқлар ташланган, суний урчиш учун уялар ташкил қилинган.

Утган аср 60-90-йиллари- да мамлакатимиз 4,2 милли- он гектарлик экин майдон- ларининг 2,3 миллион гек- тари Амударё сув ҳавзасига тўғри келар эди. Мустақил- ликдан сўнг ерлар унумдор- лиги ва самарадорлигини кўтариш, ирригация-мелио- рация ишлари сифатини ях- шилашга алоҳида эътибор берилаяпти. Аслида Орол- нинг қуриган майдонлари- нинг миллион 300 минг гек- тари ёқуд 60 фоизи Ўзбеки- стон Республикаси ҳудудига тўғри келди.

Демак, аср муаммоси ечи- мини топиш, оғир ва мурак- каб вазиятларни юмшатиш мамлакатимиз зиммасига ту- шади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Оролни шу минтақда яшовчи халқ- ларнинг мураккаб, аммо эзгу мақсадлар йўлидаги муштараклиги асрайди...»

Шундай бўлганга ҳам. Так- тақурилиқ Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони Ағитой Адилов раҳбарлик қилаётган «Тахта- қўпир» ширкат ҳўжалигида 564 оиланин ичимлик суви, электр энергияси ва газ тўловлари ҳўжалик маблағи ҳисобидан қопланапти.

Таассурот

КАДРИЯТИНИ КАДРЛАГАН ЭЛ

«9 май куни Паркент туманида катта кураш сайли бўлади. Унга бутун республикамиздан, ҳатто қўшни давлатлардан ҳам дондор полвонлар келиб, бел олишадилар», деган гапни кўп эшитардим, аммо мусобақанинг гувоҳи бўлмагандим. Мана бу йил, насиб қилган экан, Паркентда ўтган катта кураш сайлини томоша қилдим.

спорт коллежи жамоаси биринчи, фарғоналик курашчилар иккинчи, Сирдарё айлари эса учинчи бўлишди.

Мусобақада республикамиз вилоятларидан 158 нафар полвон қатнашганини ҳам таъкидлаш жоиз. Халқаро турнирда эркаклардан Зуфар Абдуназаров, Холдор Дадаматов, Ҳикмат Қудратов, Исрол Эгамов, Исқандар, Нуриддин, Жамол, Умар Маҳаматовлар, Дилмурод Рўзиев, Фулом Холбоёв, Самандар Эрназаров, қизлардан эса Соҳида Мадаминова, Уғилол Нуралиева, Дилдора Раҳмонова, Дилором Қамбарова-лар барча рақиблари устидан ғолиб чиқиб, биринчи ўринга лойиқ топилишди. Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланди.



МУКАММАЛ СОН

Машҳур юнон файласуфи ва математиги Никомас Гераский: «Мукаммал сонлар гўзал, ажойибдир. Аммо маълумки, гўзал, ажойиб нарсалар ноёб ва камдан-кам учрайди, ҳуқуқ ва ярама нарсаларга эса ҳар қадамда рўйлар қўлинади. Деярли ҳамма сонда ҳам сороб, ҳам камчил ҳисобланади. Мукаммал сонлар эса жуда кам учрайди» деган эди.

Мукаммал сонлар нечта бўлиши мумкин? Милоднинг биринчи асрида яшаган олим Гераский бу саволга жавоб топа олмаган. Чунки бундай сонлар қанчалигини билмаган, албатта.

Инсоният тарихидаги энг биринчи ажойиб мукаммал сон «6» бўлган. Бунга қадимги юнон математиклари топишган. Ушбу замонларда бу сонга алоҳида ихлос қўйилган. Ҳатто катта йиғин ва зиёфатларда олтинчигина унинг энг хурматли, энг машҳур ва энг фахрий меҳмон ўтказилган.

Платон ҳам олти сонга катта эътибор берган эди. Христан ва яҳудийларнинг диний китоби бўлмиш «Таврот»да келтирилган ривоятларда олам олти кеча-кундузда яратилган, дейилиши ҳам бежиз эмас. Ахир, қадимда «6» яққо ягона мукаммал сон ҳисобланган. Акбар АЛИЕВ тайёрлади

БОЛАЛАР СПОРТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Улуғнор туманида ҳам бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 500 нафар ўқувчи спортнинг ўндан ортиқ тури билан шугулланмоқда.

Бу ерда машғулотларни ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилган. Туманда спортнинг юнон-рум, гимнастика, сузшиб, бокс каби турлари омаллашиб бормоқда.

Суратда: мураббий Зокиржон Тўхтамишев бокс машғулотида.

Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат



БОШ МУҲАРРИР

Абдуҳолик АБДУРАЗОҚОВ

Тахрир хайъати:

- Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиков, Носирхон Акбаров, Ойсулв Нафасова, Пиримкул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Фуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:

Котибият

153-52-78

Бўлимлар

Касаба уюшмалари хайъти бўлими: 153-87-63

Хуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73

Ижтимоий-иқтисодий сийсат бўлими: 153-87-74

Миллий-маънавий кадрлар ва спорт бўлими: 153-82-79

Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43

Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:

700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг

сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов. Навбатчи муҳаррир - А.Ҳақбердиев. Навбатчи - А.Имаркулов. Мусоҳиҳ - Н.Юлдошев

Саҳифаловчи-дизайнер: Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Бачими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 21.00

Буюртма Г - 414

Тиражи: 16821

2 3 4 5 6

Тақриз ўрнида

Ўзбек томоша санъати ўз тарихий тараққиёти давомида жуда мураккаб ижодий йўлни босиб ўтди. Бунга сабаб, аънавий театр санъатининг асосий вазифаси жамиятда мавжуд камчилик ва иллатларни очиб ташлаш, айнан шу йўл билан уллардан атрафиш тозартиш бўлган. Бироқ санъатнинг ушбу тури ўтмишда илмий ўрганилмагани боис, унинг тарихий тараққиётини ўрганиш бир мунча қийин. Тўғри, халқ орасида кенг тарқалган томошаларга оид узўқ-юлук маълумотлар, қайдлар турли хил адабий ва тарихий манбаларда сочилиб ётибди. Уларни жамлаб, қиёсий таҳлил қилиш, санъатнинг бу тури тарихини тиклаш эса нафақат қийин, шу билан бирга масъулиятли вазифа. Балки шунинг учундир республикамизда театр санъати тарихини ўрганишга ўз ҳаётини бағишлаган мутахассислар бармоқ билан саналар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Муҳсин Қодиров ана шундай заҳматкашларнинг қарвонбошиларидан биридир.

АНЪАНАВИЙ ЎЗБЕК ТЕАТРИ

Табарруқ 75 ёшини қаршилаган олимнинг деярли ярим асрлик ҳаёти ва филология томоша санъатларининг тарихи ва замонавий муаммоларини тадқиқ этишга бағишланди. Шу маънода олимнинг кўни кеча нашр юзинуни кўрган «Аънавий театр драматургияси» (Т.: «Янги аср авлоди») китоби ушбу йўлдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Хрестоматия характеридagi ушбу тадқиқотда аънавий театр ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги илмий мулоҳазалар билан бирга, турли йилларда ўзи уюштирган фольклор экспедициялари давомида мисоллар тўпланган материаллар жамлангандир.

М.Қодиров тадқиқотчи сифатида 1958-1970 йиллар давомида санъатшунослик илмий-тадқиқот институти томонидан уюштирилган фольклор экспедицияларида бутун Ўзбекистонни айланиб, қўшни мамлакатларда бўлиб, 300 га яқин маҳаллий актёрлар — қизиқчи, масхарабоз ва кўғирчоқбозларни аниқлаб, фолга, фаолиятини ўрганиб, ҳаёт бўлганларидан 200 дан ортиқ турли жанрлардаги томоша матнларини ёзиб, бир-бирига қиёслаб, аслини аниқлаган. Бироқ уларнинг бирортаси ҳам шу пайтга қадар ҳеч бир маъбада эълон қилинмаганди. Юбилей баҳона ана шу бўшлиқ тўлдирилди.

Тўпلامдан «Аънавий театр» деб аталуви барча соҳалар, жумладан, халқ ширки усталари, қизиқчи ва масхарабозлардан ёзиб олинган 85 та оригинал асарлар ўрин олган. Озғани драма-турингга оид барча томоша намуналари матнлари ўз табиати, йўналиши, ижро шакли ва мазмунига кўра қисмларга ажратилгани эса айни муддао бўлган. Хусусан, озғани драматургия намуналари танқид, муқаллид, кулги-хикоя (мақтов, кулги-қўшқ), аёллар қизиқчилиги, кўғирчоқ уйин, «от ўйини» масхарабозлиги каби тур ва жанрларга бўлиниши тадқиқотни тушунишни енгиллаштирган, айни пайтда улар ўзаро бир-бирини тўлдириб, керакли хулоса чиқариш имкониятини кенгайтирган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ тижорат банклари акциялари бўйича жисмоний шахсларнинг дивиденд тарзида олган даромадлари 2010 йилнинг 1 январига қадар солиққа тортишдан озод қилинган.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги «Тижорат банкларининг капиталлаштириш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мувофиқ 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача:

— юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олинган даромадлари солиқ солишдан озод қилинади;

— фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва кўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилиб мулкдор бўлинг ҳамда доимий даромад манбаига эга бўлинг!


Эслатиб ўтамиз!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ тижорат банклари акциялари бўйича жисмоний шахсларнинг дивиденд тарзида олган даромадлари 2010 йилнинг 1 январига қадар солиққа тортишдан озод қилинган.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги «Тижорат банкларининг капиталлаштириш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мувофиқ 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача:

— юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олинган даромадлари солиқ солишдан озод қилинади;

— фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва кўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилиб мулкдор бўлинг ҳамда доимий даромад манбаига эга бўлинг!



цияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилади.

Шошилининг, ушбу имтиёзлар тижорат банкларининг 2007 йил 1 январидан бошлаб сотиб олинган акцияларига, шунингдек, 2009 йилнинг 31 декабрига қадар тўланадиган акциялар бўйича дивидендларга нисбатан қўлланилади.

«Пахта Банк» акциялари «Тошкент» Республика фонд биржасининг «А» тоифадаги расмий листингиде бўлиб, энг ишончли акциялар эканлигидан далолат беради.

Имкониятларни қўлдан бой берманг! Даромаднингизни янада кўпайтиринг.

Тўлиқ маълумот олиш учун қуйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат этишингиз мумкин: (8371) 1732551 «Пахта Банк» — фаровонлигингиз калитидир!

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси